

Journal of Social Research in Uzbekistan

JOURNAL OF SOCIAL RESEARCH IN UZBEKISTAN

journal homepage:

<https://topjournals.uz/index.php/jsru>PROSECUTORIAL CONTROL OVER THE ILLEGAL INTRODUCTION OF
POWERFUL DRUGS INTO CIRCULATION*Elyor Djabbarov**Prosecutor**Konimekh district**Konimex, Uzbekistan*

ABOUT ARTICLE

Key words: potent drugs, illicit trafficking, prosecutorial oversight, pharmaceuticals, narcotics, state control, legislation, social networks, prevention, crime prevention.

Received: 25.10.24**Accepted:** 27.10.24**Published:** 29.10.24

Abstract: The article examines practical measures for regulating the illicit trafficking of potent drugs, strengthening state control in this area, and protecting public health. It analyses legal documents aimed at curbing the illegal circulation of potent drugs in the Republic of Uzbekistan, the role of prosecutorial oversight in enforcing these regulations, and strategic approaches to addressing this issue.

КУЧЛИ ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИНГ НОҚОНУНИЙ
МУОМАЛАГА КИРИТИЛИШИ УСТИДАН ПРОКУРОРЛИК НАЗОРАТИ*Элёр Джаббаров**прокурор**Конимех туман**Конимех, Ўзбекистон*

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: кучли таъсир қилувчи дори воситалари, ноқонуний муомала, прокурорлик назорати, фармацевтика, гиёҳвандлик моддалари, давлат назорати, қонунчиликни, ижтимоий тармоқлар, профилактика, жиноятчиликка қарши кураш.

Аннотация: Мақолада кучли таъсир қилувчи дори воситаларининг ноқонуний муомаласини тартибга солиш, бу соҳада давлат назоратини кучайтириш ва жамият саломатлигини ҳимоя қилиш бўйича амалий чора-тадбирлар кўриб чиқилган. Унда Ўзбекистон Республикасида кучли таъсир қилувчи дори воситаларининг ноқонуний муомаласини чеклашга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатлар, уларнинг ижросини таъминлашда прокурорлик назоратининг ўрни ҳамда ушбу муаммони ҳал қилишга қаратилган стратегик ёндашувлар таҳлил қилинади.

ПРОКУРОРСКИЙ КОНТРОЛЬ ЗА НЕЗАКОННЫМ ВВЕДЕНИЕМ В ОБОРОТ СИЛЬНОДЕЙСТВУЮЩИХ ЛЕКАРСТВЕННЫХ СРЕДСТВ

Эльяр Джаббаров

Прокурор

Конимехский район

Конимекс, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: сильнодействующие лекарственные средства, незаконный оборот, прокурорский надзор, фармацевтика, наркотические вещества, государственный контроль, законодательство, социальные сети, профилактика, борьба с преступностью.

Аннотация: В статье рассматриваются практические меры по регулированию незаконного оборота сильнодействующих лекарственных средств, усилению государственного контроля в этой сфере и защите здоровья общества. Анализируются правовые акты, направленные на ограничение незаконного оборота сильнодействующих лекарственных средств в Республике Узбекистан, роль прокурорского надзора в обеспечении их исполнения, а также стратегические подходы к решению данной проблемы.

Бугун шиддат билан ривожланиб бораётган даврда кўплаб соҳалар фаолияти устидан назорат ўрнатиш талаб этилаётган фармацевтика соҳаси, хусусан кучли таъсир қилувчи дори воситаларининг муомаласа киритилиши билан боғлиқ жараёнлар долзарб бўлиб қолмоқда.

Бундан бир неча йиллар муқаддам бутун жаҳон ҳамжамиятини ташвишлантириб келаётган муаммолардан бири сифатида ананавий гиёҳвандлик моддаларини реализация қилиш ҳамда уларни кенг муомаласа киритиш бўлган бўлса, бугунги кунга келиб бу ўз ўрнини замонавий кўринишдаги гиёҳвандлик моддалари, яъни кучли ва алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларнинг долзарблашаётганлигига бўшатиб бермоқда.

Таҳлиллар, сўнги йилларда аҳоли орасида кучли таъсир этувчи моддаларнинг оммалашаётганлиги, бошқа бир томондан осон бойлик орттириш мақсадида айрим шахслар томонидан уларнинг ноқонуний муомаласи кенгайтирилаётганлигини кўрсатмоқда.

Бу ўз ўрнида, соҳани тартибга солиш, кучли таъсир этувчи дори воситаларининг ноқонуний муомаласа киритилиши устидан самарали давлат назоратини йўлга қўйишни талаб этади.

Кучли таъсир этувчи дори воситаларининг ноқонуний муомаласа киритилишига қўйидаги омилларни сабаб қилиб кўрсатишимиз мумкин:

биринчидан, талабнинг ортиб бораётганлиги, яъни аксарият шахслар стресс, аффект ёки ўзида ҳис этаётган физиологик муаммоларни енгиш мақсадида кучли дори воситаларига юз тутишмоқда, бу эса ўз-ўзидан бу каби дори воситаларининг ноқонуний савдосини рағбатлантирмоқда.

иккинчидан, молиявий манфаатлар, яъни дори воситаларининг ноқонуний савдосидан фойда кўриш истагида бўлган шахслар уюшган жиноий гуруҳларга бирлашиб, ўз фаолиятларини максимал даражада ривожлантириш учун ресурс қидиришмоқда.

Табиийки, бу ҳолатда биринчида санаб ўтилган шахслар бевосита ресурс бўлиб хизмат қилишмоқда.

учинчидан, ахборот олиш ва тарқатишнинг осонлиги, яъни ижтимоий тармоқлар орқали бу каби дори воситаларини олиш, сотиш, тарқатиш ва улар ҳақида маълумот олиш осон бўлиб, бу омиллар биринчи ва иккинчи мисолларда санаб ўтилган шахслар томонидан ноқонуний дори воситаларини реализация қилишни осонлаштирмоқда.

тўртинчидан, тарғибот ва назоратнинг етишмовчилиги, яъни мамлакатда дори воситаларининг тарқалиши ва ўтказилиши бўйича назорат механизмларининг етарли даражада ривожланмаганлиги, одамлар орасида бу каби дори воситаларидан тўғри фойдаланиш тартиби ҳақида билим ва кўникмаларнинг етишмаслиги кучли таъсир қилувчи психотроп моддаларнинг кенг муомалага чиқарилишига имконият яратмоқда.

Ушбу омилларни инобатга олиш, кучли таъсир қилувчи дори воситаларининг ноқонуний муомаласини камайтириш учун самарали стратегияларни ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Албатта, психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласига чек қўйиш, улардан мақсадли фойдаланиш ва фаолиятини тартибга солиш борасида ҳам бир қанча эътиборга молик ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Бу сўзларнинг исботи сифатида, ҳар бир соҳага алоҳида эътибор қаратилаётгани каби, фармацевтика соҳасини тартибга солиш ҳамда кучли таъсир қилувчи дори воситаларининг ноқонуний муомаласига чек қўйиш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 27.09.2019 йилдаги 818-сонли ҳамда 04.10.2024 йилдаги 628-сонли қарорларини кўрсатиб ўтишимиз мумкин.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 04.10.2024 йилдаги 628-сонли қарори билан:

- фармацевтика маҳсулотларининг постмаркетинг назорати амалиётга жорий этилмоқда.

Бу, муомаладаги фармацевтика маҳсулотларининг фармацевтика фаолиятини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқлигини баҳолашга доир чора-тадбирлар мажмуи ҳисобланади.

Ёки, Вазирлар Маҳкамасининг 27.09.2019 йилдаги 818-сонли қарори билан,

- кучли таъсир қилувчи дори воситаларининг рўйхати шакллантирилиб, бу каби моддалар муомаласини тартибга олиш соҳасида илғор халқаро ва хорижий тажрибани ўрганиш белгиланган.

Шу каби, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 251¹-моддасида гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намоиш этиш ёки бундай моддаларни ёхуд заҳарли моддаларни қонунга ҳилоф равишда муомалага киритганлик учун қатъий жавобгарлик назарда тутилган.

Ёки, Ўзбекистон Республикасининг 05.10.2024 йилдаги ЎРҚ-971-сонли Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатганлик учун жавобгарлик белгиланган янги, 251²-модданинг киритилиши ҳам бу соҳани тартибга солишга қаратилган мақсадли қадамлардан бири саналади.

Ўз ўрнида, мазкур соҳани тартибга солиш, кучли таъсир қилувчи дори воситаларининг ноқонуний муомаласига чек қўйишга қаратилган Президент қарор ва фармонлари, ҳукумат қарорлари ижросини бир хилда таъминлаш бевосита прокурорлик назорати билан боғлиқ.

Прокурорлик назорати – Бош прокурор ва унга бўйсинувчи прокурорлар томонидан қонунийликни таъминлаш, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва кескин муносабат билдириш, ижтимоий адолатни таъминлашда намоён бўлади.

Прокурорлик назорати, жамиятда ҳуқуқий тартиботни сақлаш ҳамда жамият ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Кучли таъсир қилувчи дори воситаларининг ноқонуний муомалага киритилиши устидан прокурорлик назоратини ўрнатиш, жамият саломатлигини таъминлаш, фармацевтика соҳасида соғлом муҳитни яратиш ва жиноятчиликни олдини олишда муҳим роль ўйнайди.

Шунга қўра, прокурорлик назоратини самарали ташкил этиш ва бу орқали соҳада ижобий натижаларга эришиш мақсадида қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилиши талаб этилади:

биринчидан, мониторинг ва таҳлил, яъни ноқонуний муомалага киритилаётган дори воситаларини аниқлаш учун махсус мониторинг дастурларини жорий этиш, бу каби дори воситаларининг савдоси ва тарқалишини кузатиш бўйича маълумотларни таҳлил қилиб, кўпроқ муомалага киритилаётган ноқонуний дори воситаларининг статистик маълумотларини юритиш.

иккинчидан, тарғибот ва ахборот, яъни жамоатчилик орасида дори воситаларининг ноқонуний муомаласи ва унинг оқибатлари хусусида ахборот соатлари ўтказиш. Бу орқали,

одамлар ўртасида огоҳликни кучайтириб, хавф ва салбий натижаларни камайитишга эришиш мумкин.

учинчидан, шифокорлар ва фармацевтлар билан яқин ҳамкорликда ишлаш. Бу, соҳани тартибга солиш, таъкидланаётган дори воситаларининг тарқалиши, ноқонуний тарзда муомалага киритилишини аниқлашда мазку соҳа вакилларининг ўрни муҳим аҳамият касб этади.

тўртинчидан, қонунчиликни мустаҳкамлаш, яъни ноқонуний савдога қарши курашиш мақсадида, қонунларни мустаҳкамлаш, жавобгарликни ошириш ва санкцияларни сезиларли даражада кескинлаштириш.

Бу чоралар прокурорлик назоратини самарали амалга оширишга ёрдам берибгина қолмасдан, кучли таъсир қилувчи дори воситаларининг ноқонуний муомаласига қарши курашишда ҳам ижобий натижаларга эришишга ўз ҳиссасини қўшади.

Худди шунингдек, кучли таъсир қилувчи дори воситаларини ижтимоий тармоқлар орқали сотилиши, интернет тармоқларида бу каби дори воситалари тўғрисидаги маълумотларнинг тарқатилишига, тарғиб қилинишига чек қўйиш ва қатъий назорат ўрнатиш талаб этилади.

Нега таъкидланаётган моддалардан зарари бир неча баробар кам бўлган порнографик маҳсулотлар тайёрланган контенларни тарқатиш, сақлаш ва бу ҳақида ижтимоий тармоқларга маълумот юклашни чеклай оламиз-у, инсонлар руҳияти, соғлиги ва келажагига кучли таъсир ўтказувчи моддалар савдоси, улар ҳақидаги ахборот ва контентларни ижтимоий тармоқларда тарқалишини чеклай олмаймиз?

Бундан ташқари, таҳлиллар кучли таъсир қилувчи дори воситалари 7 босқичда ишлаб чиқирилишини кўрсатмоқда.

1-босқич: тадқиқот ва ривожлантириш – бу босқичда дори воситасининг янги формуласи ишлаб чиқилиб, турли хил актив компонентлар ва уларнинг таъсири ўрганилади.

2-босқич: лаборатория тестлари – бу босқичда ишлаб чиқаришдан олдин, дори воситасининг самарадорлиги ва хавфсизлиги лаборатория шароитларида синов қилинади.

3-босқич: клиник синовлар – мазкур босқичда лаборатория тестларидан ўтган дори воситаси инсонларда синов қўрилади.

4-босқич: регулятор хулосалари – ушбу босқичда клиник синовлардан сўнг, дори воситаси регулятор органлар томонидан текширилади ва рўйхатга олинади.

5-босқич: ишлаб чиқариш – бу босқичда рўйхатдан ўтган дори воситаларининг ишлаб чиқарилиши старт олади.

6-босқич: сифат назорати – ушбу босқичда ишлаб чиқариш жараёнида бўлган дори воситалари доимий текширувда бўлади.

7-босқич: маркетинг – яъни, сўнги жараён бўлиб, мазкур босқичда тайёр дори воситалари сотувга чиқарилади.

Кучли таъсир қилувчи дори воситаларининг ишлаб чиқариш жараёни жуда мураккаб ва тўғри ижро этилишини талаб қилади, чунки таъкидланаётган дори воситалари инсон саломатлигига катта таъсир ўтказиши ортидан бир неча салбий оқибатларни келтириб чиқариши эҳтимолдан йироқ эмас.

Шунга асосан, кучли таъсир кўрсатувчи дори воситаларининг қуйидаги ишлаб чиқариш жараёнларида прокурор назоратини ўрнатиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Биринчидан, тадқиқот ва ривожлантириш босқичида дори воситаларининг клиник синовлари ва тадқиқотлари давомида ҳуқуқий нормалар ва этик стандартларга риоя этилиши устидан доимий назорат ўрнатиш ва текшириб бориш;

Иккинчидан, клиник синовлар давомида синовларнинг амалга оширилиши, синовда иштирок этаётган шахсларнинг ҳуқуқлари ва ҳавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, маълумотларнинг аниқлиги ва транспарентлигини назорат қилиш;

Учинчидан, регулятор ҳулосалари, яъни регулятор органларнинг талаблари, рўйхатга олиш жараёни ва маъқуллаш жараёнида ишлаб чиқарилган маҳсулот таркиби ва ҳужжатларда қайд этилган маълумотларнинг тўғрилигини ўрганиб бориш ва назорат ўрнатиш;

Тўртинчидан, ишлаб чиқариш жараёнида сифат назорати ҳамда ишлаб чиқариш стандартларига риоя этилишини текшириб бориш.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, кучли таъсир қилувчи дори воситаларининг ноқонуний муомаласини чеклаш орқали жамият саломатлигини муҳофаза қилиш, жиноятчиликни камайтириш ва маънавий-ахлоқий стандартларни оширишга эришиш мумкин.

Албатта, бу самарали механизмларнинг бир маромда ишлаши ва натижа бериши учун назорат идораларининг вазифалари мақсадли ва аниқ ташкил этилган бўлиши лозим.

Фойдаланилган қонун ҳужжатлари рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси
2. Ўзбекистон Республикасининг 05.10.2024 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига гиёҳвандлик воситаларининг, улар аналогларининг ёки психотроп моддаларнинг, шунингдек кучли таъсир қилувчи ва захарли моддаларнинг қонунга ҳилоф муомаласига қарши курашишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” ги ЎРҚ-971-сон Қонуни;

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 27.09.2019 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида кучли таъсир қилувчи моддалар муомаласини тартибга солиш тўғрисида” 818-сонли Қарори;

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 04.10.2024 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги тизимидаги айрим ташкилотлар тузилмаларини тасдиқлаш тўғрисида” 628-сонли Қарори.

5. Клиник фармакалогия: фармацевтика ва тиббиёт институтлари талабалари учун дарслик/Ю.М.Мамадов, М.А.Хўжамбердиев, Б.Ю.Маматов. – 3-қайта ишланган ва тўлдирилган нашри. – Т.: “Турон-Иқбол”, 2010 – 576 б.

6. Клиник фармакалогия: учебное пособие/И.Р.Агабабян (и.др.).- Самарканд: TIBBIYOT KO‘ZGUSI, 2021. – 224 с.

7. М.Н.Махсумов., М.М.Маликов., Фармакология. Т. Ибн Сино наш. 2006 й.

8. <https://www.lex.uz/ru/docs/7131778>

9. <https://uzpharmagency.uz/>

10. <https://lex.uz/docs/5672208>

11. <https://lex.uz/docs/4532164>